Дилкаш суҳбатлар

# АЙТАДИГАН ГАПЛАРИМ КЎП

**дейди Ўзбекистон Республикаси тадбиркор аёллар уюшмасининг раиси Дилдора АЛИМБЕКОВА**

**— Дилдора Маҳмудовна, республика тадбиркор аёллари уюшмаси раҳбарининг босиб ўтган йўли кўпчилик учун ибратли ва қизиқарлидир. Шу ҳақдаги фикрларингиз.**

— Ортда қолган умрим кўпчиликникидан унчалик фарқ қилмайди. Илгари инсон ҳаёти қандайдир бир хил андозага солиб қўйилгандек эди. Жараёнлар ўхшаш кечарди: боғча, мактаб, институт, мустақил фаолият. Мен ҳам шу босқичлардан ўтганман. Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатгач, Москвада илмий-тадқиқот институтида илмий иш қилмоқчи бўлдим. Лекин турли сабаблар билан аспирантурани ташлаб кетганман. Сўнг республика енгил саноат вазирлигига қарашли бирлашмада ишладим. Тўғрисини айтсам, мактаб давридаёқ ташкилотчилик ишлари билан кўпроқ машғул бўлардим.

**— Тадбиркорлик «кўчасига» қандай кириб қолгансиз?**

— Тасодифан аралашиб қолдим, десам нотўғри бўлади. Аспирантурада ўқиётганимда иқтисодий томондан қийналганим учун машинка сотиб олиб, бўш пайтларда бировларнинг у-бу нарсаларини ёзиб бериб, оиламга қўшимча даромад топардим. Шу ишим тадбиркорликнинг дастлабки қадамлари десам янглишмайман.

Бундан беш-олти йил бурун фирма дўконлари очиш одат тусига кира бошлаган кезларда мен ҳам «Қизил тонг» бирлашмаси қошида шундай дўкон ташкил қилдим. Уни қуриш борми, безатиш борми ҳаммасини ўз ҳисобимдан амалга оширдим. Ишни хаёлимдагидек йўлга қўйишга интилдим. Кийимни қаторлаштириб осмасдан, моделлар бўйича намуна қилиб манекерларга кийдириб қўйдик. Харидор танлагач, ичкаридан унга ёққанини автомат ёрдамида олиб чиқиб берардик. Мижозни бир стакан қаҳва билан сийлаб, буюмини қўлига ўраб бериб жўнатардик. Бозор иқтисодиёти бошлангач, бу дўкон ўзини унча оқламай қолди. Натижада қўл қовуштириб ўтирмай тикувчилик кичик корхонаси очиш ҳаракатига тушиб қолдим. Умуман олганда ишбилармонлик, тадбиркорлик менинг ота-боболарим қонидан ўтган. Энг муҳими ҳар бир киши ўзининг ишбилармонлигини кўрсатиш, орзу-ниятларини амалга ошириш учун шарт-шароит юзага келганда ундан фойдалана билишдир.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов ва ҳукуматимиз кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий ҳамда иқтисодий асосларни, етарли имкониятларни яратиб берди ва бермоқда. Шубҳасиз, оддий бир иқтисодчи ўзбек аёлининг тадбиркор сифатида танилишимда, республика миқёсидаги жамоат ташкилоти раҳбари бўлиб етишишимда буларнинг ҳал қилувчи таъсири бор деб ўйлайман.

**— Хусусий корхоналарингиз фаолияти қандай?**

— Аввало ўзим ташкил этган модалар маркази ҳақида тўхталадиган бўлсам, унда шойи, хонатлас, беқасам, крепдешин каби ўз матоларимиздан зардўзлик ва миллий усулларни қўллаб, европача моделда ҳар хил кийимлар тикилади. Кафетерийимизда эса ишсиз юрган онахон ва опахонларимиз томонидан тайёрланган чучвара ва лағмон чиройли қилиб қадоқланиб, сотилмоқда. Сартарошхонамиз барча аёллар учун хизматда. 20 та тикув машинаси бўлган кичик корхонамизда эса пахталик фуфайка тикиб, Россия Федерациясидаги ташкилотлар орқали ўзимизга керакли маҳсулотларга алмаштираяпмиз.

**— Айтингчи, сизни кўпроқ қандай муаммолар ўйлантирмоқда?**

— Бу тадбиркор учун кундалиги савол. Унга эса иқтисодчи сифатида жавоб бераман. Ҳозирги муаммоларга ҳам, уларни келтириб чиқарган сабабларга ҳам фикр билдирсам. 90-йилларда кооперативчилик бошланган эди. Бу ҳаракат ижобий вазифасини ўтаган. Гарчи ибтидоийроқ бўлса-да, улар бозорга ўз маҳсулотларини чиқарган. Кейин уларни айблаш бошланди. Энди шаклланиб келаётган синфга керакли шароит яратилмади, йўлига ғовлар кўпайди. Натижада узоққа боришолмади.

Ўз тажрибамдан мисол келтирадиган бўлсам 1994 йилда тиккан буюмларимни Россия Федерациясига жўнатиб, эвазига макарон ишлаб чиқарадиган 6 та дастгоҳ олиб келдим. Уларни ишлатиш учун ун сўраб бормаган, ё хат ёзмаган жойим қолмади. Чунки у кезларда хусусий корхоналарга ун бермаслик ҳақида кўрсатма бор эди. Оқибатда дастгоҳлар бекор ётди. Ҳозир эса ун беришаяпти, лекин бозор хориждан келтирилган макаронлар билан тўлиб кетган. Одамларимиз эса кўпроқ четдан келган маҳсулотни харид қилишга одатланишган.

Мана сартарошхона, кафетерий очдик дедим. Лекин бу иш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Сартарошхонани очиш учун маиший хизмат кўрсатиш уюшмасидан, кафетерийга эса илгариги туман озиқ-овқат савдо идорасидан рухсат олиш керак бўлади. Эҳ-ҳе, бундаги сарсону оворагарчиликни айтмай қўя қолай.

Яна бир муаммо — хусусийлаштириш ҳақида. Ҳозир иш юритиб турган жойимизга ижара ҳақи тўлаймиз. Шу жойни сотиб олайлик десам, мутасаддилар кимошди савдоси орқали сотилади дейишаяпти. Қизиғи шундаки, қоқ марказда жойлашган, бизникидан ҳам яхшироқ бўлган, жами саҳни 2000 квадрат метр дўкон 1 миллион сўмга, 400 квадрат метрли бизнинг жойимиз 5 миллион сўмга баҳоланмоқда.

**— Уюшманинг халқаро ва ҳамкорлик алоқалари қандай бўлаяпти?**

— Дадил оёққа туриб олишимизда халқаро ташкилотларнинг ёрдами беқиёсдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда «Бизнес-инкубатор», германиялик ишбилармонлар билан эса ўқув маркази ташкил этдик. Шунингдек, Германиянинг Карл Дуйзберг жамияти билан ҳамкорлигимиз юқори самара бермоқда. «Қизил тонг», «Юлдуз», «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамиятлари бўғинларидаги ёш раҳбарлар шу давлатга бориб ўқиб келишди. Ҳар бир корхонада уч кишидан иборат вакиллар эса малака оширишга бориб келдилар. «Тексима», «Эпог» фирмаларининг ёрдами туфайли 65 та тикув машинаси олишга муваффақ бўлдик. Конрад Аденауэр жамғармаси орқали бир гуруҳ аёлларимиз Германияга бориб ўқиб келишди.

Бундан ташқари АҚШ, Италия, Англия, Бахрайн, Япония давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларимиз мустаҳкамдир. Айниқса Италия тадбиркор аёллари билан. Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази лойиҳаси асосида 80 нафар аёлимиз чет мамлакатда ўқиб келгани, самарали ишлар олиб бораётганимиз учун уюшмамиз Италиянинг Марис Белисариа ташкилоти таъсис этган «Олтин олма» халқаро совринига сазовор бўлди. Айни вақтда яна 8 та халқаро лойиҳа устида ишлаяпмиз.

**— Уюшманинг маблағ жамғармаси қандай шаклланади?**

— Асосан аъзоларимизнинг бадал пулларидан ва уюшма қошидаги корхоналарнинг ажратмаларидан. Бундай корхоналар сони 14 та. Уюшманинг жами 3000 аъзоси бўлиб, аъзолик бадали ҳуқуқий шахслар учун 2500 сўм, якка жисмоний шахслар учун 500 сўм. Бизнинг ташкилотимиз қуйидан бошланган ташаббус туфайли юзага келганлиги учун давлат томонидан бирон-бир моддий ёрдам олгани йўқ. Шунингдек, бошқа уюшмаларга ўхшаб у ёки бу имтиёз ва енгилликларга эга эмасмиз.

Шу боисдан ҳам бир орзуимни рўёбга чиқишини жуда-жуда истардим, яъни тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватловчи жамғарма ташкил этилса. «Бизнес-фонд» ва бошқалар бор, лекин улар катта-катта лойиҳалар асосида ишлайдиганлар учун. Бизнинг аёллар эса кичик бизнес билан шуғулланишади. Уларга оз миқдордаги — 50-100 минг сўмлик кредитлар бериб турадиган жамғарма керак.

Агар шундай бўлса, кўплаб аёллар кичик бизнесни анчагина ривожлантириб юборишган бўлар эди.

*Эргаш ИБРОҲИМОВ, Гулзода АБДУЛЛАЕВА.*

Фармон ва ижро

# ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ ИШЛАРИ

***Шаҳримиздаги «Россия» меҳмонхонаси яқинида, «Катта Миробод» кўчасида жойлашган бу корхонанинг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Дастлаб у ностандарт асбоб-ускуналар, прессформалар ва турли штамплар ишлаб чиқарадиган кооператив шаклида фаолият кўрсата бошлаган эди. Кейинчалик корхона ўз таркибини кенгайтириш мақсадида Америка, Швейцария, Россия, Украина каби йирик мамлакатлар тадбиркорлари билан алоқани кучайтирди. Улар билан биргаликда бир нечта қўшма корхоналар тузишга муваффақ бўлди.***

1993 йилдан бошлаб «Шарқ» кооперативи маҳсулотларига бўлган талаб ошиб кетди. Шундан кейин у Ўзбекистон — Швейцария «Вольфсон Шарқ интерпрайзис» қўшма корхонасига айланди. Ҳозир ушбу корхона ўзининг бир нечта хусусий заводига, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган цехларига эга. Бу ерда оддий шиша маҳсулотидан тортиб, шаҳримиз қурилишлари учун зарур бўлган турли ҳажмдаги ғиштларгача тайёрланмоқда. Корхона жаҳон андозаларидан қолишмайдиган хилма-хил механизм ва асбоб-ускуналар, ғишт, мих, полиэтилен ишлаб чиқарадиган presslar, қадоқлаш автоматлари ҳамда 50 турдан ортиқ машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Яқинда биз ушбу корхонанинг «Хасково» жамоа хўжалигида жойлашган машинасозлик заводида бўлиб, бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдик.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари тўғрисида»ги Фармонини жамоамиз аҳли зўр мамнуният билан кутиб олди, — дейди бизга корхона раҳбари Виктор Шувалов. — Чунки бу ҳужжат бизнинг корхонамиз фаолияти учун ҳам жуда тааллуқлидир. Унда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар учун ҳозир амалда бўлган солиқ имтиёзларига яна қўшимча раҳбатлантириш ва имтиёзлар берилганлиги айни муддаодир. Агар бир сўз билан айтадиган бўлсам юқоридаги Фармон биз каби қўшма корхоналарнинг дадил оёққа туриб олиши ва келажакда йирик ишлаб чиқаришлардан бирига айланишига катта ёрдам беради.

Энди заводимиз фаолиятига келсак жамоамиз энг юқори малакали мутахассислардан таркиб топган. Улар жуда ҳам мураккаб бўлган механизмларни лойиҳа асосида аниқлик билан ишлаб чиқариш қудратига эгадирлар. Яқиндан бошлаб корхонамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури яна бир нечтага бойиди. Биз Тошкент шаҳар метрополитени учун зарур бўлган ностандарт қурилма ва механизмларни тайёрлашга киришдик. Бу ишга тажрибали, ишнинг кўзини биладиган Геннадий Безрученко бошчилик қилмоқда.

Ушбу бригадада тўрт мутахассис ишлайди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ишларни бажаришади. Бригада аъзолари тайёрлайдиган ускуналар шу қадар аниқликни талаб этадики, агар улар белгиланган стандартга жавоб бермаса брак маҳсулотлар орасидан ўрин олади. Шунинг учун жамоа иш жараёнининг ўзида ишлаб чиқарган маҳсулотини бир йўла синовдан ҳам ўтказиб кўради. Бу даврда маҳсулотда бирор камчилик сезилса дарҳол уни йўқотишга киришилади. Ёки умуман ўша маҳсулот қайта ишлашга жўнатилади.

Иш жараёнининг мураккаблиги сабаб корхона ишчиларининг ойлик маошлари бошқаларникига нисбатан анча кўп. Завод нурчилар бригадаси зиммасига ҳам катта масъулият юкланган. Уларнинг меҳнат фаолиятини кузатиш давомида шундай қарорга келдик. Бригада бошлиғи Геннадий Козин ҳар қандай автоматни аниқ ва нуқсонсиз ишлаши нурчилар меҳнатига боғлиқ эканлигини бизга тушунтирб берди.

Корхона юқоридагилардан ташқари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам яхши йўлга қўйган. Масалан бу ерда турли шишалар, пластмассадан канистрлар, ранг-баранг ҳажмдаги банкалар тайёрланадики, уларни харидорлар севиб харид қилишади.

Шу кунларда Ўзбекистон — Швейцария «Вольфсон Шарқ интерпрайзис» қўшма корхонаси АҚШнинг «РПМ интернешнл» фирмаси билан биргаликда тозаловчи ва ювувчи маҳсулотлар яъни ванна, раковина, кафеллар ва бошқа сантехника жиҳозларини тозалайдиган, автомобилларнинг корпус қисмини силлиқлайдиган, мебель ва гиламларни тозалайдиган янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик кўрмоқда. Ҳар икки томон қандай маҳсулот етказиб бериши келишиб олинган. Шунга кўра «РПМ интернейшнл» корхонаси ювувчи концентрат билан таъминлайди. Ўзбекистон томони эса ювувчи маҳсулот учун махсус идишлар етказиб беради ҳамда тайёр маҳсулотни қадоқлайди. Бу янги маҳсулот фақат Ўзбекистондагина эмас, балки, хорижий мамлакатларга ҳам сотувга чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси буюртмачининг шахсий лойиҳаси бўйича ҳам ностандарт механизм ва жиҳозларни тайёрлаб бериши мумкин. Энг муҳими ушбу корхона Ўзбекистон Республикаси Президентининг биз юқорида қайд этган Фармони талабларидан келиб чиқиб, ўз ишини такомиллаштириш юзасидан янги тадбирларни белгиламоқда.

*Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.*

***Сиртқи сабоғимизнинг бу галги дарси ҳам қимматли қоғозлар бозорида амал қиладиган иқтисодий ва ҳуқуқий атамалар жамланмасидан иборатдир. Буларни нафақат тадбиркор, балки ҳар бир фуқаро тушуниб, уқиб олса ҳаётда янглишмайди.***

Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби

# САРМОЯДОРЛАР

• **САРМОЯДОРЛАР** — ўз маблағларини қимматли қоғозларни сотиб олишга сарфлайдиган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар.

• **САРМОЯ ТАШКИЛОТЛАРИ** — корхоналар ва тадбиркорлик ҳақидаги амалдаги қонунчилик йўл қўйиладиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилган, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган ҳуқуқий шахслар. Сармоя ташкилоти фаолияти кенг ва турли-туман бўлиб, у қимматли қоғозлар бозорида қуйидагича иштирок этиши мумкин:

— сармоя воситачиси (молиявий брокер ва дилер) шаклида;

— сармоя компанияси сифатида;

— сармоя фонди сифатида;

— компания бошқарувчиси сифатида;

— депозитарий сифатида;

— ҳисоб-китоб клиринг палатаси сифатида;

— қимматли қоғозлар эгалари реестрининг эгаси сифатида;

— қимматли қоғозларнинг номинал эгаси сифатида.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қонунчилигида сармоя воситачилари, сармоя компаниялари ва компаниялар бошқарувчиларининг фуқаролар (жисмоний шахслар) учун биржадан ташқарида майда улгуржи ва чакана нархларда қимматли қоғозлар савдосини амалга оширишга қодир фонд магазинлари шаклида ўзларининг тузилма бўлинмаларини ташкил этиш ҳуқуқи назарда тутилган.

• **САРМОЯ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИ** — қимматли қоғозлар бозори ва иштирокчилар ҳолатини таҳлил этадиган ҳамда истиқболни аниқлайдиган, қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ҳамда уларнинг муомалада бўлиши масалалари, шунингдек сармоя сиёсати масалалари бўйича хизмат кўрсатадиган ҳуқуқий шахс (фирма, корхона, жамият) ёки жисмоний шахс (фуқаро). Сармоя бўйича маслаҳатчи, шунингдек, молиявий восита ва қуролларни ишлаб чиқиб синовдан ўтказиш, молиявий мажбуриятлар ҳамда мутахассисларни қайта тайёрлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланади.

• **КЛИРИНГ** — инглизча сўз бўлиб, тозалаш, равшанлантириш — деган маънони англатади. У товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, хизматлар учун ўзаро мажбурият ва талабларни ҳисобга олган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилиш тизимидир. Банклараро клиринг ва халқаро валюта клиринглари бор. Клиринг ҳаркатлари олтин ва чет эл валютасисиз бажарилиши мумкин. Халқаро ҳисоб-китобларда икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида бирбирининг муқобил тўловлари билан ҳисоблашиш заруриятидан келиб чиқиладиган валюта клирингларидан фойдаланилади.

• **СТАГФЛЯЦИЯ** — лотинча сўз бўлиб, ҳаракатни сўндираман ҳамда шишмоқ, пуфланган маъносини англатади. У иқтисодиётнинг турғунлик ҳамда инфляция билан характерланувчи ҳолатини билдиради. Стагфляция белгилари: иқтисодий ўсиш ғоят суст боради ёки юз бермайди. Ишсизлик кўпаяди, тирикчилик қиймати ўсади, инфляция кучаяди, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишлатилмайди, инвестиция жараёни сустлашади, ижтимоий барқарорлик ортади.

Стагфляциядан чиқиш учун инвестиция, техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш системасини янгилаш, ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш, оммавий равишда иш кучини қайтадан янги шароитга мослаб тайёрлаш юз бергандагина стагфляциядан чиқиб кетиш мумкин.

# Тошкент тадбиркори





*«Учқун» акционерлик жамиятида янгича ишлаш, талаб ва таклифларни ҳисобга олиш жараёни шаклланаётганидан бери шу ерда ишлаётган ишчи-мутахассисларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари тубдан ўзгара бошлаяпти. Улар шунчаки эмас, тадбиркорлик билан меҳнат қилмоқдалар.*

*СУРАТДА: шу корхонада чорак асрдан бери меҳнат қилаётган устоз-бичувчилар Зоя Варламова ва Шарифа Каримовалар иш устида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

Ажаб савдолар

# БИР ЙИЛДА ОҚАРГАН СОЧ

***«Узоқ-яқинларнинг таклифи билан ёнгинамиздаги бекатни таъмирлаб хусусий дўкон очишга қарор қилдим. Дастлаб маҳалламиз оқсоқолига шу ҳақда оғиз очсам, у киши мени бажонидил қўллаб-қувватладилар.***

— Жуда яхши ўйлабсиз укам, бу бир савобли иш. Баҳонада бекат ҳам замонавийлашиб қолади. Ҳам эл дуосини оласиз, ҳам ўзингиз 3-4 тангалик бўлиб қоласиз. Башарти ёрдам керак бўлиб қолса, бу ёғига биз турибмиз.

Оқсоқолнинг сўзлари мени руҳлантириб юборди. Эртасидан бошлаб югур-югурни кучайтирдим. Қайси идора эшигига бош суқмай у ердагилар: «Таклифингиз маъқул, лекин уч-тўрт сўм харажати бор-да», дейишади. «Тоққа чиқмасанг, дўлана қайда» деганларидек, барча сарфу харажатларга чидаб бердим». «Дўконни тиклаб олсам ўрни тўлиб кетар», дейман ўзимга ўзим тасалли бериб. Хуллас, тўсиқлар орқада қолиб дўкон пойдевори қурилиши бошланди. Бу ёғидан кўнгил тўқ.

Маҳалламиз оқсоқоли оқ фотиҳа бера туриб: «Мулла Абдулла, мана довон ошдингиз. Энди укам, бизнинг хизматларни ҳам унутмассиз. Қолаверса, машойихлар «Хамир учидан патир» дебдилар. Агар малоллик келмаса иш орасида бизга ҳам икки мингтагина пишиқ ғишт тушириб берсангиз. Каталакдек ҳаммом қурмоқчи эдик. Бирор юмуш бўлса, бу ёғига биз турибмиз», деб қолдилар.

Катта одам олдингизда бош эгиб турса қизиқ туюлар экан. Ўзим қурилиш учун ўзгалардан қарз кўтариб турсамда, оқсоқолнинг илтимосини бажо келтирдим.

Ҳали пойдевор битиб-битмай келди-кетди бошланиб кетса, денг. У идорадан келиб қурилишни кўради, ҳали бу ташкилотдан келишади. Ора-чора архитекторлар келиб лойиҳанинг бир неча жойини ўзгартириб кетишади. Ўт ўчирувчилар эса ёнғин хавфининг «олдини» олиш мақсадида ўз кўрсатмаларини беришади. Ҳокимликдан келган вакил ўз билганидан қолмайди. Бу қимматбаҳо, фойдали фикрлар, албатта, ўзига хос чойчақа талаб қилади. Сабаби мушук текинга офтобга чиқмайди-да. Агар шундай қилмасангиз қурилишда учраб турган муаммолар ҳал этилгунча бунёдкорлик ишлари маълум муддатга тўхтаб қолиши турган гап.

Шундай кунларнинг бирида солиқ инспекциясидан уч-тўртта «укахонларимиз» келиб қолишди.

— Нега ҳалигача ер солиғи тўламайсиз?

— Ҳа, энди бироз оёққа туриб олайлик, биродарлар, кейин тўлармиз ер солиғини.

— Бунақаси кетмайди. Ой сайин тўлашга мажбурсиз.

Отанг яхши, онанг яхши қилиб «укахонлар»ни аранг кузатдим.

Хуллас, бир йилда зўр-базўр қурилишни битказиб олдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўтган ўн икки ойда соч ҳам оппоқ оқарди.

— Нима қилардингиз ўзингизни ташвишга қўйиб, дадаси. Бинойидек заводда ишлаб турувдингиз. Қора қозонимиз қайнаб, тинч яшаётган эдик, — деди бир куни хотиним ҳолимга ачиниб.

— Энди хотин «Жондан кечмасанг, жонона қайда» дейдиларку. Тадбиркорликни мана шунақа чидаганга чиқарган. Баҳона билан дўкондор бой бўлиб қоляпмиз, шунисига суюнсангчи.

— Илоё айтганингиз келсин, — дадаси, — деди хотиним хўрсиниб.

Қурилиш бир сари, лекин дўконни мол билан тўлдиришнинг ўзи бўлмади. Паст тушиб, баланд чиқиб, кичкинагина дўконча ёнида яхши ният билан қассобхона ҳам очдим. Биринчи куни битта бўрдоқи қўйни сўйиб гўштини энди қанарага тортиб турган эдим, маҳаллакомимиз табриклаб келиб қолдилар.

— Баракалла, укам, ҳамма жой қараса жой. Куни кеча қаровсиз бўлиб ётган қуруқ ер бугун бинойидек обод бўлиб қолди-я. Аммо-лекин қассобхонани боплабсиз. Қани полчинига 2 килограмм гўшт тортинг. Келинойингиз билан сизни дуо қилиб бир қўлбола ош қилайлик.

Атайлаб урғу берилган дуо сўзидан кейин гўштга пул олиш одобдан бўлмас. Оқсоқол чўнтагини кавлагандек бўлувди «қўяверинг», деб уни тўхтатдим.

— Ия, шунақами, ҳа майли. Сиз бизни сийласангиз, худо сизни сийласин. Агар бирор юмуш бўлса бу ёғига биз турибмиз, укам.

Оқсоқолнинг қўли «енгил» келдими, кечгача аранг уч кило гўшт сотсам-а. Бу ҳисобга етти килограмм олди-берди гўштни қўшсам ҳаммаси бўлиб бир кунда 10 килограмм гўшт кетибди.

Тушлик пайти милициядагилар муборак бўлсинга келиб икки килограмм гўшт олиб кетишди. Улардан кейин солиқ инспекциясидаги «таниш йигитлар» келиб қолишди. «Ер солиғини» эслатиб уч килограмм гўшт сўрашди. Ассалому алайкум — ваалайкум ассаломда. Улардан пул сўраб бўладими?

Икки ой шу алпозда ишладим. Бундай қарасам, дўкон «гуллагандан гуллаб» боряпти. Олувчидан келди-кетди кўп. Меҳмондорчиликдан ташқари унисига икки дона арақ ўраб берсам, бунисига сигарет тутқазаман. Ҳайрият, ақлим борида гўшт дўконини беркитганим. Тўртта қўйдан минг сўмга яқин зиён қилибман-а. Агар ҳозиргача ишлаб турса борми хунини еб қўяркан.

Вой бу текширувчиларнинг кўпайиб кетгани. Ҳали у идорадан, ҳали бу идораданмиз деб келишади. Чироқчию газчилар текширув ўтказишини энди билишим. Бирон киши: «Раҳмат, ҳаммаси жойида бўлибди» демайди-я. Келганларнинг ҳаммаси нуқсон топади. Бирининг айтганини қилсанг, иккинчиси ўзиникини маъқуллайди. «Юз грамм, 50 грамм» билан иш битсаку майли-я. Баъзиларининг нафси ҳакалак отади.

Алла-паллада уйга чарчаб келсам хотиним: «Дадаси, яна ўзингиз биласизку менга қолса шу ишингизни йиғиштириб қўя қолинг. Кўп емасак оз ермиз. Жонингиз қийналиб кетди. Овқат келтирмасимдан туриб хуррак ота бошлайсиз» деб қолди.

Ўйлаб кўрсам унинг гапи маъқул кўринади. «Бир катганинг, бир кичикнинг гапига кир», деб бежиз айтмаганларку ахир.

Тунни елкамга ташлаб эртасига саҳарлаб дўконга борсам уни солиқ инспекциясидаги «укахонларимиз» босибди. Шунда бирдан хаёлимга гўшт дўкони беркитилгандан сўнг улар гўшт сўраб келишгани, мен уларни қуруқ қайтарганим эсимга тушди.

Шу баҳона бўлдию қарорим қатъийлашди. Бирйўла тадбиркорликдан воз кечдим. Ҳозир дўконимни сотиш учун харидор қидириб юрибман. Лекин бу ҳам осонликча битадиган иш кўринмайди».

Тадбиркорликдан воз кечган кишининг ҳасратини

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ ёзиб олди.*

***Телефон гўшагини олиб керак бўлган жойнинг рақамларини тердим. Ҳеч қандай жавоб йўқ. Ниҳоят уч маротаба қайта рақамлар терилгач, дастак кўтарилди. Икки оғиз гаплашишимиз билан ўзга кишилар ўртага тушиб қолди. Биз гаплашолмай қолдик, лекин қулоқ солсам анча қизиқ гаплар. Нафасимни чиқармай, одобдан бўлмаса ҳам жим туриб эшита бошладим.***

Мулоҳаза

# ФАҚАТ ПУЛ ИШЛАШМИ?

— Маҳмадали, ука, мени биласанку оёғим синиб тўшакка михланиб қолганман, телефон, радио, ҳатто телевизорнинг электр токига улагичлари шундоққина ёнгинамда. Икки кундан бери сигарета тутатишга гугурт ишлатяпман... Мени эшитяпсанми?

— Ҳа, эшитяпман, гапираверинг, — иккинчи овоз эшитилди.

— Шу десанг, гугуртни чақсам, чўп аланга олиши билан қоқ белидан иккига бўлиниб кетади. Натижада аланга олиб ёнаётган гугурт чўпи гиламга тушиб, ёнғин чиқиши аниқ. Мана шундан хавотирдаман, ука!

— Нима қил дейсиз, менга хизмат борми?

— Ҳа, балли, хизмат бор. Ҳалиги... бозорда ўт олдиргичлар сотишадику, зажигалкалар, шундан бир-иккитасини олиб келиб берсанг...

— Тушундим.

— Барака топ, мени хавотирдан қутқаз, ука. Биласанку бир ўзим кунора уйда ёлғиз қоламан, ёнимда ҳеч ким бўлмайди...

Дастакда қисқа гудок эшитилди. Мен ўйланиб қолибман. Ё фармони худо, тасодифни кўринг, яқингинада менинг хаёлимдан худди шу фикр ўтган эди. Ўртага тушиб қолган суҳбатни эшитишга эшитдиму лекин телефонда гаплашиш учун бизга суткасига олти дақиқа берилгани, ортиқчасига қўшимча ҳақ тўлашимиз эсимга келмабди ҳам.

Нафсиламбрини олганда, биз бозор муносабатига ўтяпмиз. Шундай экан ишбилармон, тадбиркор, ҳунармандларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ким ўзарлик рақобати асосида харидоргир бўлиши керак эмасми?

Илгарилари гугурт чўплари қутисига сиғмай турарди. Сўз юритилаётган гугуртлар бўлса чиройли қилиб пачкаланган, пишиқ-пухта, лекин оласи ичида деганларидек, пачка ичидаги ҳар бир қутига биринчидан гугурт чўплари ярим жойлаштирилган, иккинчидан сифат шу даражадаки, асти қўяверасиз.

Оёқ кийими тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Нархи осмондаю бир ой-бир ярим ой кийсангиз, тагчарми ё тарс-тарс ёрилиб кетади, ё бўлмаса жағи ажраб, иршайиб туради.

Яқинда Фарғонанинг «Олтиариқ» санаторийсида бўлганимизда шу санаторийга хусусий корхонада ишлаб чиқарилган енгил шиппаклар олиб келиб сотишди. Кўриниши яхши, кўпчилик дам олувчилар уч-тўрт жуфтдан совға деб олишди. Мен ҳам рафиқам ва келинимга олдим. Ишонасизми, кийишолмаяпти: ости тагчарм, тагчарм босмадан чиққан бўлиб ўйдим-чуқур, оёқ босиб юриб бўлмас экан, қаттиқ оғриқ беради. Мен оёғингизга туз йиғилмайди, чидаб кияверинглар дедим...

Бунақанги мисолларни яна истаганча келтириш мумкин. Бозор муносабати бозор маънавиятини, маданиятини, инсофни, виждонни талаб қилмайдими? Мақсад фақат пул ишлаш эмаску?!

*Жаҳонгир АБУБАКИРОВ, меҳнат фахрийси.*

